

Андижон шаҳар ҳокимлигининг “Шаҳар ҳокимлиги” номидан Низомида берилган ваколат асосида ҳаракат қилувчи, бўлим раҳбари Б.ХОШИМОВ кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи бир томондан ва «REAL ASS» МЧЖ Низомида берилган ваколат асосида ҳаракат қилувчи раҳбари Б.МУСАХОДЖАЕВ кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Атамалар

Мазкур шартномада қуйидаги атамалар қўлланилади:

- Шартномада «ижро ҳужжатлари»: «лойиха-смета ҳужжатлари» (ЛСХ) «қурилиш майдони»; «вақтинчалик иншоотлар»: «беркитилган ишлар» атамалари қўлланилган. Атамаларнинг изоҳи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12-сентябрдаги 395-сонли қарорига 3-иловадаги “Намунавий пудрат шартномаси”нинг 1-бандига асосан қўлланилган.

Бундан ташқари:

«жорий молиялаштириш»: шартномада белгиланган ишлар қийматини, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда босқичма – босқич молиялаштириб бориш;

“маблағ билан таъминловчи орган”: - Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачини маблағ билан таъминловчи орган, Молия вазирлиги, вилоят, шаҳар молия бошқармаси.

II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, Андижон шаҳар Иқбол ва Ўрикзор Махалла фауқаролар йиғилари ҳудудда ичимлик суви тармоғини тортиш мукамал таъмирлаш фойдаланишга топшириш тўғрисида, қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса қурилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни қабул қилиш белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3.1. Мазкур шартнома бўйича, Танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг баёнига 19,11,2022 №185637 билан тасдиқланган, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати **Қушилган Қиймат Солиғи билан 646 000 000,00 (Олти юз кирк олти миллион) сўм 00 тийинни** ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати ўзгармас ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳолларда нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;
- Пудратчи ташкилот солиқ тўловчи сифатида бошқа солиқ турига ўтканда тендер савдоси натижасида аниқланган нархга ўзгартириш киритилади

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- барча ишларни объектни лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудда вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда ахборот бериш;
- Ўз.Р. ВМнинг 20.12.1999 йил кунги 532- сонли қарорига асосан, қурилиш таваккалчиликларни сугурта қилиш;
- шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- объектда қонунда белгиланган тартибда меҳнат ва ҳавфсизлик техникасини таъминлаш;
- қурилиш майдонини, ундаги қурилиш хом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуналарни қуриқлинишини таъминлаш.
- Пудратчи ҳисобот ойининг 27-28-кунидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, ҳисобот ҳужжатларини (счёт-фактура) тақдим қилиши, бунда ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, қўлланилган қурилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши;
- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш, лойиха-смета ҳужжатларда аниқланган нуқсонлар ҳақида Буюртмачини, шунингдек, лойихачи ташкилотни ўз вақтида хабардор этиш;
- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатлари бўйича объектда бажариладиган иш қисмларининг олдинги фотосуратларини Буюртмачига тақдим қилиш;
- объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим қилиш.
- иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари яқунлангач белгиланган тартибда иншоотни фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш;
- Иншоотда бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни қурилиш ишлари тугаллангач Буюртмачига тақдим қилиш.
- объектни қурилишида юзага келадиган муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида Буюртмачини дарҳол хабардор этиш;

- Курилиш даврида Буюртмачи ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инобатга олган ҳолда, улар томонидан аниқланган камчиликларни ўз вақтида, сифатли бажариш;

- Иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач тўлиқ расмийлаштирилган фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга тегишли бўлган ҳужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этиш;

4.2 Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблагларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб қилинган ҳолларда) **намунавий шаклдаги** ахборотни бериб туриши;

4.3. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

4.4. Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

4.5 Пудратчи, танлов савдолари натижасида аниқланган пудрат ишлари ҳажмини шартномада жорий ҳисобот йили учун белгиланган иш ҳажмлари доирасида бажаради ва белгиланган ҳажмдан (лимитдан) ортикча иш ҳажмлари ва лойиха-смета ҳужжатларидан ташқари қушимча иш ҳажмларини бажарилишига йўл қўймайди.

Шартнома шартларида белгиланган ишлар ҳажмидан ташқари қушимча иш ҳажмлар бўйича вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар, ташкилотлар, фойдаланувчи ташкилотнинг юқори органи ёки масъул шахслари томонидан берилган курсатмаларга фақат, бажариладиган қушимча ишларни молиялаштириш манбаига аниқлик киртилиб, буюртмачи билан асосий шартномага қушимча келишув расмийлаштирилгандан сунг амалга оширилиши белгиланади.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичида, ишларни бажариш учун объект лойиха-смета ҳужжатларини, яроқли бўлган қурилиш майдонини қурилиш объектида ишлар тугаллангунга қадар бўлган даврга, далолатнома билан Пудратчига бериши;

- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат қилиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаши;

- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан пудратчига (бўнак) аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши.

VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1. Шартнома имзоланиб, газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб томонлар учун кучга қиради.

6.2. **Таъмирлаш ишларининг давом этиш муддатига 30 кунга белгиланган.**

6.3 Шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова) га мувофиқ, биринчи бўнак (аванс) тўлови тушган кундан бошлаб, танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ҳисоб-китоб қилинади.

6.4. Шартнома бўйича ишларни бажариш жадвал (2-илова) га мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи, Пудратчига бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30% миқдорига бўнак (аванс) тўловни 193 800 000 (бир юз туссон уч миллион саккиз юз минг) сўм молиялаштириб берилади.

7.2. Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши учун Буюртмачига, ишларни бажариш жадвали ва маблагларнинг ажратилганлиги асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш, берилган бўнак (аванс) маблаглари бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, шартнома умумий қийматининг 100 фоизи доирасида (топширилган иш ҳажми суммасидан олдин туланган бунак маблаг олиб қолиниб) 2022 йилга тасдиқланган манзилли дастурда белгиланган лимит доирасида амалга оширилади ва бу 452 200 000 (тўрт юз эллик икки миллион икки юз минг) сўмни ташкил қилади.

7.5. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар мулк ҳуқуқи Пудратчида бўлиб, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиш ҳавфи объект топширилгунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Маблаг тўланиши бўйича Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, ушбу низони ижобий ҳал этилишини таъминлаш учун ҳудудий иктисодий судга мурожат қилинади

VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи, қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналари, шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор барча ишларни бажарилиши бўйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи, техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи, ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи, объектда ишларни олиб бориш тартибини, давлат архитектура қурилиш назорат органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектнинг (привязка қилиш учун) Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига топширади.

8.10. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоғи, сув) вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади ҳамда

жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

8.11. Пудратчи, ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Давлатархитектура-қурилиш назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи, лойихачи ташкилот ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давлатархитектура-қурилиш назорат» инспекциясини билан келишган шартларида беркитилладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтари юрताди. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тadbирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

Пудратчи объектга урнатилладиган жихозларни, объектни фойдаланишга топшириш муддатидан қамада бир ой олдин объектга олиб келиши лозим.

Пудратчи объектга жихозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаштирилган ҳолда олиб келиши шарт.

Пудратчи объект жихозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб урнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огохлантириб, шартноманинг ушбу шартини бажаришни талаб қилиш ва муддат бериш ҳуқуқига эга. Бу муддат ун кундан кам булмаслиги лозим.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рўхсатномасидан сўнг кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитилладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитилладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашган мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширсин, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини ва муддатини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супруб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойида чиқариб ташлайди.

8.19. Агар техник ҳужжатларга узгартириш киритиш туфайли бажарилиши керак буладиган қушимча ишлар қиймати жихатидан лойиха-сметада курсатилган қурилиш умумий қийматининг ун фойизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг ҳусусиятини узгартирмаса Буюртмачи техник ҳужжатларга узгартириш киритишга ҳақли.

8.20. Бюджетдан ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш, асоссиз ва лойиха қарорларидан ташқари ҳолларга сарфланишига йўл қўймаслик, объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилини таъминлаш мақсадида Буюртмачи шартнома шартлари бузилаётган ҳолатларда асосий пудрат шартномаси ижросини вақтинчалик тўхтатиш, тўхтатиш ва зарур бўлган ҳолларда истисно тарихида бир томонлама бекор қилиш, пудрат ишларини тўлиқ яқунлашнинг амалдаги тартибларга зид бўлмаган чораларини қўриш ҳуқуқига эга бўлади.

IX. Ишларини қўриқлаш.

9.1. Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, қурилиш тугалланиб, объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олгунга қадар, четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Фойдаланишга қабул қилинган бино ва иншоотлар, уларга тегишли жихозлар, мол-мулклар фойдаланувчи ташкилот балансида ўтказилгунга қадар буюртмачининг зиммасида бўлади.

X. Енгиб бўлмайдиган қуч (Форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч натижасида қилиб чиқса бу ҳолатларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тулик бажармаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Тарафлар қилишуви билан, форс-мажор ҳолати даврига мутаносиб равишда шартномага ўзгартишлар киритилади.

10.2. Агар енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда куп вақтда қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида қилишп олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофиқ барча мажбуриятларини томонлар бажарганларидан кейин, қурилиши тугаллаган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида уни қабул қилишни амалга оширади.

11.3. Пудратчи, қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг қуриб битказилган (реконструкция қилинган) бинолар ва муҳандислик тармоқларининг тайёрлиги тўғрисидаги ҳулосаларини,

мухандислик тармоқларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлайди.

11.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўз вақтида расмийлаштирмаганлик учун Пудратчи жавобгар ҳисобланади.

11.5. Давлат қабул комиссияси томонидан объектни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тулик расмийлаштирилиб, тасдиқланганидан сўнг объект қабул қилиб олинган ҳисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

12.1. Пудратчи қуйидагиларни кафолатлайди:

- барча ишларни тулик ҳажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;
- барча ишларни, лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ сифатли бажаришни;

- мазкур шартномага асосан бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажми, етказиб келинадиган, қўлланиладиган қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, жихозлар қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибда ҳисобот бериб бориш;

- қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- объект қабул қилинганидан сўнг, ундан фойдаланишдаги кафолат муддати даврида, аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектда ўрнатилган мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини.

12.2. Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати, объект қабул қилиб олинганидан бошлаб камида ўн икки ой этиб белгиланади.

12.3. Агар, объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида, камчиликлар аниқланиб, у бартараф этилгунга қадар фойдаланишни имконини бермайдиган нуксонлари аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади. Аниқланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини ваколатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафни камчиликлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, бошқа тарафдан ҳужжатда расмийлаштирган ишларни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгилаб берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ва камчиликларни бошқа пудратчи ёллаб бартараф этиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуксонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига қатнашишдан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, аниқланган камчиликларни текшириб чиқиш «Давлатархитектурақурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга чўзилганда;

- Пудратчи томонидан қурилиш ишлари шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва коидаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ишни бошқа Пудратчи орқали давом эттириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бир томонлама бекор қилинганида, Пудратчи 3 кун муддат ичида барча бажарган ишлари ва қолдиқ ишлари бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши ҳамда тегишли ҳужжат ва объектни топширишни бошлаши зарур. Пудратчини қайд этилган ҳужжатни расмийлаштирилиши бўйича таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига қолдиқ ишлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқини беради.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи, молиялаштиришни шартнома шартлари бўйича бажармаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинган тақдирда Пудратчи, Буюртмачини таклиф этиб, тугалланмаган қурилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишни бошлаши зарур.

13.4. Шартнома бекор қилиниши билан айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Пудратчининг розилигини олган ҳолда Буюртмачи айрим ишлари бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тулайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юри-тувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 % микдоридан пеня тулайди, бу пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўловнинг 50 - фоизидан ошмаслиги лозим.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5% фоизи микдоридан жарима тулайди.

14.4. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2% фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50% фоиздан ошмаслиги лозим.

14.5. Пудратчи шартнома бўйича ишларни тулик бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вақтида бажармаса, иншоотни қабул қилиш-топшириш далолатномасини уз вақтида расмийлаштирмаса, утказиб юборилган хар бир кун учун, объект шартномавий жорий қийматининг 0,01% миқдорда пеня тулайди, аммо пенянинг умумий суммаси объектнинг шартномавий жорий қийматининг 15%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоиз миқдорда жарима тулайди.

Пеня тулаш, Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

14.6. Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, бажарилган ишлар ҳисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим бўлган 5 фоизли кафолат тўлови ҳисобидан ушлаб қолади.

14.7. Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи «Давлатархитектурақурилиш назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50% фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.8. Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиха-смета ҳужжатлари бўйича келиб чиққанда низо хал этиш учун иншоотни лойихаси билан шуғуллунган ташкилот ишга жалб қилинади. Лойиха-смета ҳужжатларидаги аниқланган камчилик ва нуксонлар учун лойиха ташкилоти жавоб беради.

14.9. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни хал этиш тиртиби.

15.1. Шартнома бўйича юзага келган низоли масалаларни тарафлар музокара йўли билан хал этадилар. Агар низоли масала ўзаро хал этилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан хал этилади.

XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Шартнома имзолангандан кейин, у тузилгунга қадар шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари уз қучини йуқотади.

16.2. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак. Ҳисобот йили якуни билан бажарилмаган (яқунланмаган) юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси бўйича иккинчи йил учун томонлар ўртасида мазкур шартномага қўшимча келишув тузилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ижроси таъминланиши мумкин.

16.3. Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.4. Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг ҳуқуқи ва жавобгарлиги ҳолатлари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қулланилади.

16.5. Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари узгарган тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт бўлади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига ҳужжатлар буюртма хат орқали юборилган ҳолда, ҳужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган ҳисобланади.

16.6 Шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилади ва тарафларда бир нусхадан сақланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.

16.7. Шартнома 2022 йил 31 декабр куни охирига қадар амалда бўлади. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни шартнома шартларини бажариш жавобгарлигидан озод қилмайди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

«ПУДРАТЧИ»	« БУЮРТМАЧИ»
«REAL ASS» МЧЖ	Андижон шаҳар Ҳокимлиги
Андижон ш. Гулзор МФЙ Истиклол кучаси 51-уй	Андижон ш, Машраб 37
Тел: 90-544-77-97	Тел 90-160-30-90
ИНН 305635305, ОКЭД 43990 XIP 2020 8000 7003 3824 0001	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги X/p 23402000300100001010
X/p 20208000600897985001	Тошкент ш., Марказий банкнинг Тошкентш.ХКҚМ
Узсаноатқурилишбанк АТБ бош	МФО 00014 ИНН 201122919
МФО; 00440	ш/х 100022860034017049997018001 ~200237711 ОКПО 97600
Раҳбар:  Б. МУСАХОДЖАЕВ	Раҳбар:  Б.ХОШИМОВ
М.У.	М.У.

Юрист

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 185637 на приобретение Ушбу хизматларни қисқа муддатда бажариш ҳамда кафолат бўйича муддати.Қурилиш майдонини кўрганлиги, Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 20% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги

Способ проведения электронный

Дата 19.11.2022

Время рассмотрения 18.11.2022 18:37

Закупочная комиссия Андижон шаҳар Хоқимлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ERGASHEV FARRUX PAZLITDINOVICH	Хоқим уринбосари	Шаҳар хоқимим
Секретарь комиссии	SHOKIROV SHAVKATBEK SHUXRATOVICH	хоқим ўринбосари	Андижон шаҳар хоқимлиги
Член комиссии	QOSIMOV MIRZOXID XAKIMJON O'G'LI	Андижон шҳар хоқимлиги	Андижон шҳар хоқимлиги
Член комиссии	ULUGBEKOVA NARGIZA AKBAROVNA	Хоқим ўринбосари	Андижон шаҳар хоқимлиги
Член комиссии	MAXMUDOV UMIDJON XABIBULLO O'G'LI	Хоқим ўринбосари	Андижон шаҳар хоқимлиги
Член комиссии	ZIYAYEV RAXIM SABIROVICH	Халқ депутатлари Кенгаш раиси	Андижон шаҳар халқ депутатлари кенгаши

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.11.2022 года № лота 185637.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Услуги по капитальному ремонту сооружений (41.20.40.900-00004) Андижон шаҳар "Иқбол" ва "Ўрикзор" МФЙларда кўп фаватли уйларни сув тизимини мукамал таъмирлаш ишлари учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	646 800 000.00
Стартовая сумма	646 800 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ушбу хизматларни қисқа муддатда бажариш ҳамда кафолат бўйича муддати.Қурилиш майдонини кўрганлиги, Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 20% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган ҳамда шу санага объектнинг бошланғич нархнинг камида 20 % маблағи ҳисоб рақамда мавжудлиги тўғрисидаги маъл Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома. Хизмат кўрсатувчи банкдан (танлов эълон қилинган кундан кейин олиниши шарт QR коди билан ёки имзоланган ва муҳирланган кўринишда) ҳамда МИБ дан маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Ушбу хизматларни қисқа муддатда бажариш ҳамда кафолат бўйича муддати. Қурилиш майдонини кўрганлиги, Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 20% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган ҳамда шу санага объектнинг бошланғич нархнинг камида 20 % маблағи ҳисоб рақамда мавжудлиги тўғрисидаги маъл Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома. Хизмат кўрсатувчи банкдан (танлов эълон қилинган кундан кейин олиниши шарт QR коди билан ёки имзоланган ва муҳирланган кўринишда) ҳамда МИБ дан маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО FOKS QURISH INVEST	10	Тавсия	9	Экспертная		
ООО REAL ASS	10	қиймат	10	Экспертная		

Критерий №2 Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот. 2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ва фойда солиғи ҳисоботлари. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги . Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак. МИБ ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот. 2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ва фойда солиғи ҳисоботлари. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги . Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак. МИБ ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО FOKS QURISH INVEST	10	Тавсия	9	Экспертная		
ООО REAL ASS	10	қиймат	10	Экспертная		

Критерий №3 Инсофсиз ижрочилар руйхатида йуклиги ва солиқ органидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочилар руйхатида йуклиги ва солиқ органидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО FOKS QURISH INVEST	10	Тавсия	9	Экспертная		
ООО REAL ASS	10	қиймат	10	Экспертная		

Критерий №4 Иштирокчининг қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун ихтисослашганлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун ихтисослашганлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО FOKS QURISH INVEST	10	Тавсия	9	Экспертная		
ООО REAL ASS	10	қиймат	10	Экспертная		

Критерий №5 Курилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар руйхати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО FOKS QURISH INVEST	10	Тавсия	9	Экспертная		
ООО REAL ASS	10	қиймат	10	Экспертная		

Критерий №6 Иштирокчининг банкдаги хисоб ракамида объект кийматининг камида 15% микдорида маблаги борлиги тугрисида тижорат банкдан тасдиқланган маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг банкдаги хисоб ракамида объект кийматининг камида 15% микдорида маблаги борлиги тугрисида тижорат банкдан тасдиқланган маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО FOKS QURISH INVEST	10	Тавсия	9	Экспертная		
ООО REAL ASS	10	қиймат	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО FOKS QURISH INVEST	646 800 000.00	646 050 000.00 UZS	646 050 000.00	00.00	646 050 000.00	17.11.2022 19:14:36	9.99923
ООО REAL ASS	646 800 000.00	646 000 000.00 UZS	646 000 000.00	00.00	646 000 000.00	17.11.2022 19:20:39	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование	Общий балл по	Общий балл по	Итоговый
--------------	---------------	---------------	----------

участника	технической части	финансовой части	балл
ООО FOKS QURISH INVEST	81	9.99923	90.99923
ООО REAL ASS	90	10	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 185637 от 19.11.2022 года на приобретение Ушбу хизматларни қисқа муддатда бажариш ҳамда кафолат бўйича муддати. Қурилиш майдонини кўрганлиги, Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 20% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги определила победителем:

ООО REAL ASS
305635305

и резервный исполнитель: ООО FOKS QURISH INVEST (305915099)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ERGASHEV FARRUX PAZLITDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	QOSIMOV MIRZOXID XAKIMJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ULUGBEKOVA NARGIZA AKBAROVNA	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV UMIDJON XABIBULLO O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ZIYAYEV RAXIM SABIROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСЛИҚДАЙМАН"

Анджон шаҳар ҳққими биринчи ўринбосари

Б.Хошимов

2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 августдаги "Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-353-сонли Қарорига мувофиқ, Анджон шаҳар Иқбол ва Ўрикзор Маҳалла фаўқаролар йнгилари худудлида ичимлик суви тармоғини тортиш мукамалг таъмирлаш бўйича
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Шаҳар ва туманлар	Ўй манзили	Қурилиш бошлангани ва тугаллангани йили	Қурилиш йиллари 2022 йил 1 январь ҳолатига қадар қилдирилган қиймати	Бюджетдан қилдирилган харажатлари						2022 йил 1 январь ҳолатига ўтувчи объектлар бўйича қилинган қиймати	Экспертга хулосаси Т/р	Тасдиқланган таълоо баёнининг рақами ва санаси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 августдаги "Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-353-сонли Қарорига мувофиқ, Анджон шаҳар Иқбол ва Ўрикзор Маҳалла фаўқаролар йнгилари худудлида ичимлик суви тармоғини тортиш мукамалг таъмирлаш бўйича
					Қурилишнинг 2022 йил жами қилинган қиймати	Шу йилдан буюртмадан қилдирилган харажатлари	Бошқа харажатлар (ДСХ ва экспорт)	Жами	2022 йил жами қилинган қиймати	Қурилишнинг 2022 йил жами қилинган қиймати умумий қиймати				
1	Анджон шаҳар	Анджон шаҳар Иқбол ва Ўрикзор Маҳалла фаўқаролар йнгилари	2022-2022		646 000	646 000	646 000	646 000				03.11.2022 йил кўнги №68421	19.11.2022 йил кўнги №185637 баен	REAL ASS МҶЖ
		Жами			646 000	646 000	646 000	646 000				03.11.2022 йил кўнги №68421		



Анджон шаҳар молия бўлими ўринбосари
 А.Шокиров